

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎЛДОШЕВ РУСТАМБЕК АВЕЗМУРОДОВИЧ**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЧАПАҚАЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЁЗУВГА  
ЎРГАТИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

<b>Қўлдошев Рустамбек Авезмуродович</b> Бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишнинг методик асослари .....	5
<b>Кулдошев Рустамбек Авезмуродович</b> Методологические основы обучения письму учеников левшей в начальных классах.....	23
<b>Kuldashev Rustambek Avezmurodovich</b> Methodological bases of teaching writing to primary school students.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎЛДОШЕВ РУСТАМБЕК АВЕЗМУРОДОВИЧ**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЧАПАҚАЙ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЁЗУВГА  
ЎРГАТИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ**

**13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФРАТИ**

**Термиз – 2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1367 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.terdu.uz](http://www.terdu.uz)) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали – [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Азимов Юнус Юсупович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Худойқулов Хол Жумаевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Исроилова Рухшона Суннатовна**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университетида ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси 43- уй.) Тел.: (99876) 221-74-55; факс: (99876) 221-71-17; e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz))

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). ((Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси 43- уй Тел.: (99876) 221-74-55;

Диссертация автореферати 20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(20\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Т.Чориев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
п.ф.д., профессор

**М.Қ.Бозорова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Х.Ж.Худойқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., доцент

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида давлат ва жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралаётган таълим мазмунида тил ва тафаккур уйғунлигига эришишнинг инновацион технологиялари орқали таълим самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Япония, Германия, АҚШ, Россия Федерацияси, Канада каби ривожланган мамлакатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида бошланғич таълимда ўқитишнинг назарий ва методик масалалари етакчи ўринда туради. “Инновацион педагогик технологиялар воситасида ўқитишни тубдан яхшилаш”<sup>1</sup> муаммоси БМТнинг таълим, фан ва маданият масалаларига доир Битимида долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Дунё амалиётида чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатиш, ўқувчилар чапақайлигининг физиологик, психологик ва педагогик хусусиятлари, бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатиш технологияларини тизимли тарзда ташкил этиш, чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатиш самарадорлигини оширишнинг педагогик стратегияси ва тактикасини такомиллаштиришга доир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, ўқитишни интеграциялаш ва моделлаштиришнинг истикболли йўналишлари асосида бошланғич синфларда таълим хизматларини диверсификациялаш, узлуксизликни таъминловчи механизмларни ривожлантириш, кўп компонентли ёндашувларни рағбатлантиришга доир тадқиқотлар муҳим илмий аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бошланғич таълимда чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатиш орқали дидактик тизимни ва индивидуал фаолиятни моделлаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини инсонпарварлаштиришга қаратилган илмий изланишлар заруриятини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда бошланғич таълимда ўқитишни сифат жиҳатдан жадал ривожлантириш, ўқувчиларни мустақил фикрлаш, атрофдаги воқеликка онгли муносабатда бўлиш, дахлдорлик ва ижтимоий фаоллик каби сифатларни, нутқ ва тафаккурини ривожлантириш, юксак маънавиятли баркамол шахсни камол топтириш соғлом авлодни вояга етказишнинг муҳим омили сифатида бошланғич таълим тизимидан бошлаб илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг миқёсда қўллаш заруратини юзага келтирди. Жумладан, бошланғич синфлардан бошлаб ёзув саводхонлигини ошириш, ўқувчиларнинг таянч компетенциялари мазмунини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. «Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, эзгу ғазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш, таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш, болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш

---

<sup>1</sup> ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова. –Т.: Адолат, 2004. –Б. 19-62.

зарур<sup>2</sup>». Бу борада бошланғич синфларда чапақай ўқувчиларни ўқитиш жараёнини модернизациялашнинг амалиётдаги ҳолатини таҳлил қилиш, чапақай ўқувчиларни фаоллаштириш орқали бошланғич синф ўқитувчиси ва ўқувчилари ўртасидаги муносабатларни инсонпарварлаштириш механизмларини такомиллаштириш мазмуни, усуллари, методлари ва воситаларини аниқлаштириш ҳамда илмий асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1059-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирсида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бошланғич синфларда ўқувчиларни ёзувга ўргатишнинг методик асосларини тадқиқ этишда ўзбек олимларидан М.Ғуломов<sup>3</sup>, Х.Ғуломова<sup>4</sup>, Ю.Азимовларнинг<sup>5</sup> тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишга доир тадқиқот ишлари салмоқли ўринни эгаллайди. Жумладан, бош мия ярим шарлари ассиметриясининг намоиши сифатида чапақайлик муаммоси ва физиологиясини Н.Н. Брагина<sup>6</sup>, Г.А.Дейч<sup>7</sup>, С.С.Спрингер, психологик жиҳатлари, А.В.Семенович<sup>8</sup>,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

<sup>3</sup> Ғуломов М. Чиройли ёзув малакасини шакллантириш. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. - Тошкент.: «Ўқитувчи», 1992.

<sup>4</sup> К. Qosimova, S. Matchonov, X. G'ulomova, Sh. Yo'ldosheva, Sh. Sariyev. Ona tili o'qitish netodikasi. T.: "Noshir", - 2009

<sup>5</sup> Azimov Y. Y., Qo'ldoshev R. A. Husnixatga o'rgatishning amaliy asoslari (metodik qollanma). GlobeEdit, 2020.-141bet..

<sup>6</sup> Доброхотова Т. А., Брагина Н. Н. Левши. – Книга, 1994.

<sup>7</sup> Спрингер С., Дейч Г. Левый мозг, правый мозг: Асимметрия мозга. – Мир, 1983. – 256 б.

Т.А.Стаханова<sup>9</sup>, Ю.В.Микадзелар<sup>10</sup>, бошланғич синфларда чапақай ўқувчиларни ёзишга ўргатиш методикаси М.М.Безруких<sup>11</sup>, В.В. Брагинский<sup>12</sup>, Н.С.Лесков<sup>13</sup>, И.И.Макарев<sup>14</sup>, И.Б.Мальцева<sup>15</sup>, Н.А.Федосова<sup>16</sup>, М.Г.Князеваларнинг<sup>17</sup> илмий-тадқиқот ишларида кенг ёритилган. В.А.Айрапетянц<sup>18</sup>, А.Д.Беридзе<sup>19</sup> каби олимлар чапақай ўқувчини қайта ўқитиш ҳолати унинг психикасига катта зарар етказишини ишончли тарзда исботланганлар.

Хорижлик олимлардан, И.Макманус<sup>20</sup>, Р.Смитс<sup>21</sup>, М.Кларк<sup>22</sup>, Ж.Херронларнинг<sup>23</sup> тадқиқот ишларида чапақай ўқувчиларнинг ёзувга ўргатиш билан боғлиқ методик, физиологик ва психологик муаммолар борасида атрофлича илмий мулоҳазалар баён этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий–тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган 4.2-банди “Ёш авлодда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг илмий асослари” мавзусидаги тадқиқот лойиҳалари билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишнинг методик механизмини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

– бошланғич синфларда ўқувчиларни ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганиш мазмунининг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

– чапақай ўқувчиларнинг ўқув кўникмаларини шакллантиришда педагогик ёрдам турларини аниқлаш мезонларини таянч ва фанга оид компетенциялар асосида ишлаб чиқиш;

---

<sup>8</sup> Семенович А. В. Эти невероятные левши: Практическое пособие для психологов и родителей М.: Генезис, 2007. 250 б.

<sup>9</sup> Стаханова Т. А. Психологические особенности леворуких детей. Школьные проблемы левшей. Практический психолог. 2005. 95 б

<sup>10</sup> Микадзе Ю. В. Нейропсихология детского возраста: Учебное пособие. – Издательский дом "Питер", 2012.

<sup>11</sup> Безруких, М. М. (2008) Леворукий ребенок в школе и дома. М.: Вентана-Граф, 240 б.

<sup>12</sup> Брагинский В. Мой ребенок - левша// Семья и дети, - №6, - 16-31 марта, - 2008. 38-40 б.

<sup>13</sup> Лесков, Н. С. Левша / Н.С. Лесков. - М.: Государственное издательство художественной литературы, 1992.

<sup>14</sup> Игнатова Ю. П. и др. Современные аспекты изучения функциональной межполушарной асимметрии мозга (обзор литературы) //Экология человека. – 2016. – №. 9.

<sup>15</sup> Мальцева, И. В. Барыня. Прописи для правой и левой / И.В. Мальцева. - М.: Карапуз, 2012. - 890 б.

<sup>16</sup> Федосова Н. А. Обучение письму леворуких детей //Начальная школа. – 1987. – №. 12. – 46 б.

<sup>17</sup> Князева М. Г., Безруких М. М. Методика определения леворукости у младших школьников //Начальная школа. – 1987. – Т. 6. – 17-19 б.

<sup>18</sup> Айрапетянц, В. А. (2003) Леворукий ребенок. Воспитание и обучение детей с нарушениями развития, № 3, 51–58 б.

<sup>19</sup> Беридзе, А. Д., Соколова, Е. Н. (2004) Обучение письму леворуких детей. Начальная школа, № 2, 7–15 б.

<sup>20</sup> McManus I. C. The inheritance of left- handedness //Ciba Foundation Symposium 162- Biological Asymmetry and Handedness: Biological Asymmetry and Handedness: Ciba Foundation Symposium 162. – Chichester, UK : John Wiley & Sons, Ltd., 2007. – 251-281.

<sup>21</sup> Smits R. The puzzle of left-handedness. – Reaktion Books, 2011.

<sup>22</sup> Clark M. M. Left-handedness: Laterality characteristics and their educational implications. – University of Glasgow (United Kingdom), 1953.

<sup>23</sup> Herron J. (ed.). Neuropsychology of left-handedness. – Elsevier, 2012.

– чапақай ўқувчиларга яратилган педагогик шароитларни ўрганиш ва таҳлил этишга йўналтирилган мустақил иш усулларини мотивацион, коллаборатив ёндашув асосида такомиллаштириш;

– ўқувчиларнинг чапақайлигини илмий-методик муаммо сифатида ўрганиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатиш жараёни белгиланиб, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларидан жами 585 нафар чапақай ўқувчи жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатиш шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кузатиш, сўровнома, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, савол-жавоб, суҳбат, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил, исботлаш, мустақил иш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганиш мазмунининг педагогик тренинг, пинбоард, прагматизм, эргономика усуллари (педагогик) ҳамда праксиология, перцептив (психологик) йўналишларини таснифлаш ва тажриба алоқадорлиги эмпирик баҳолаш орқали такомиллаштирилган;

бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганишга доир ҳиссий-иродавий, мазмунли-операцион, мотивацион босқичлари билим, шахсий-ижтимоий тажриба, мустақиллик, масъулиятлилик, ташаббускорлик каби компетенциявий ёндашув мезонлари аниқлик, изчиллик, натижавийлик, самарадорлик, қиёсийлик, мантиқийлик, долзарблилик тамойиллари асосида тизимлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганиш мазмуни амалий ва натижавий таркиби лидерлик-коммуникабеллик, вербал-новербал, презентативлик-экслюзивлик каби кўп векторли ёндашув босқичлари эмоционаллик, прогрессивлик, оптималлик, эффективлик сингари коллаборатив ёндашув асосида такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганишга йўналтирилган қарашлар, усуллар, таклиф ва тавсиялар асосида ўқувчиларнинг таянч компетенциясини шакллантириш ва уларнинг ёзувга бўлган қизиқишларини янада оширишга қаратилган дидактик, имитацион, сюжетли, коммуникатив, ролли технологияларни интеграциялаш асосида самарадор электрон таълим ресурси яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганиш усуллари умумлаштирилган ҳамда унга мос дидактик талаблар ишлаб чиқилган;

бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганишга қаратилган ўқув-методик қўлланма ҳамда монография нашр қилиниб, таълим

амалиётига татбиқ этилган;

бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганиш давомида “Хуснихатга ўргатишнинг амалий асослари” номли электрон таълим ресурси ишлаб чиқилган ва таълим амалиётига жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганишга оид маълумотлар республика ва хорижий олимлар тажрибаларига асослангани ҳамда расмий манбалардан олинганлиги, бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганиш механизми яратилганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик–статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда илгари сурилган назарий ғоялар ва методик тавсиялар туфайли бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганишга доир мустақил ишларни ташкил этишга муносабат ўзгаради, муаммо бўйича методологик ва методик билимлар бойитилади, бошланғич таълим сифат ва самарадорлиги ортади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганишга, хусусан, луғат бойлигини, боғланишли нутқининг таъсирчанлигини оширишга оид технологияларни такомиллаштириш, шунингдек, бошланғич синфларнинг она тили дастури ва дарсликлари мазмунини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишнинг методик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошланғич синфларда ёзувга ўргатишда чапақайликни ўрганиш мазмунининг педагогик тренинг, пинбоард, прагматизм, эргономика (педагогик) ҳамда праксиология, перцептив (психологик) йўналишларини таснифлаш ва тажриба алоқадорлиги эмпирик баҳолашга оид таклиф ва тавсиялардан умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартлари мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 89-03-823-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатиш бўйича методик таъминот такомиллаштирилган;

бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатиш аниқлик, изчиллик, натижавийлик, самарадорлик, қиёсийлик, мантиқийлик тамойиллари асосида ривожлантиришга доир таклифларидан А1-ХТ-19701. “Ўқувчиларнинг ўқув-билув имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган вазиятларни лойиҳалаш механизмлари” амалий лойиҳаси мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги № 89-03-823-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишнинг махсус ва шахсий-

индивидуал хусусиятларини аниқлаштириш ҳамда узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари асосида ёзувга ўргатишнинг интегратив модели миллий, интеллектуал имкониятларига доир таклифлар ҳамда квалитологик параметрлар ўқув-тарбия жараёнига татбиқ этилган;

ўқувчиларда ёзув малакасини ривожлантириш технологиясининг мақсадга йўналтирилган ва ташкилий-коррекцион компонентларини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар А-5-37 “Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги № 89-03-823-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишга йўналтирилган самарали ўқитишнинг метод ва технологияларига оид таклиф ва тавсиялар умумтаълим мактабларида “Алифбе”, “Ёзув” фанларини ўқитиш жараёнига жорий қилинган;

бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзишга ўргатишнинг имкониятлари, таянч компетенция элементлари (ижтимоий фаоллик, қадриятлилик, очиклик, ўзига хослик, узвийлик) таркибини белгилашга оид таклифлардан бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Ф1-ХТ-1-31247. Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси” (2016-2019 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги № 89-03-823-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич таълимда ўқув дастурларини такомиллаштириш, таълим мазмуни ва ўқитиш технологияларини танлаш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий анжуманда, жумладан, 7 та халқаро, 8 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналда чоп этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, 9 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 146 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган,

тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида чапақайлик муаммоси, чапақайликнинг ўзига хос томонлари ҳамда уларнинг ўнг қўл билан ёзадиганлардан фарқли томонларини аниқлаш ёритилган.

Ёзув жараёнида ҳаракатларни бажаришда деярли барча ҳолатларда чап қўлдан фойдаланувчилар чапақайлар. Илмий жиҳатдан шахсий юмушларни, асосан, чап қўлда бажарувчилар чапақай деб аталади.

Маълумотларга кўра, чапақай боланинг туғилиши эҳтимоли, агар иккала ота-она ўнақай бўлса, фақат 2%. Агар ота-оналардан бири чапақай бўлса, эҳтимоллик 17% га ошади ва агар ота-оналарнинг ҳар иккаласи чапақай бўлишса, 46% ҳолларда чапақай болалар дунёга келади.

Тажрибалардан маълум бўлишича, катта ёшдаги инсонлар орасида чапақайлар камчиликни ташкил этар экан. Олимлар буни инсон ёшининг ўсиши билан изоҳлайди. АҚШда 20 ёшлиларнинг 12%, 50 ёшлилар орасида 5%, 80 ёшлилар орасида атиги 1%ни ташкил қилади.

Дунёдаги 85% одамлар ўнақайлар. Шу боис, асосий предмет ва турли хилдаги нарсалар улар учун яратилган. Агар оилада чапақай фарзанд дунёга келса, унга озгина бошқача муносабатда бўлишга тўғри келади.

Диссертацияда чапақайларнинг 3 гуруҳга бўлиниши ҳақида қуйидаги фикр билдирилган:

1. Мажбурий чапақайлар. Одатда қўли синган ёки шикастланган болаларга ота-оналари ёки мактабдаги ўқитувчилари томонидан чап қўлда ёзиш ўргатилади. Аммо қанчалик ҳаракат қилмасин унинг хусниҳати чиройли бўлмайди, чунки улар табиатан ўнг қўлда ёзишга ўрганган бўлади.

2. Тақлидий чапақайлар. Бундай инсонлар болалик чоғидан оила аъзолари ёки мактабдаги ўртоқларига қараб чапақай бўлганлар. Шунинг учун бўлса керак бундай чапақай ўқувчиларнинг ёзуви хунук ва тартибсиз бўлади. Уларда аслида миянинг чап ярим шари фаоллик қилади. Бундай инсонлар орамизда 0,5% ни ташкил этади, холос.

3. Туғма чапақай инсонлар. Баъзи инсонларда қўлга нисбатан фаол ярим шар унча яхши ривожланмайди. Шунинг учун бундай одамлар қайси қўлда ёзишни ўзлари ҳал қилишади.

Мазкур бобнинг **“Ўқувчилар чапақайлигининг физиологик, психологик ва педагогик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи параграфида чапақай ўқувчиларнинг ўсиши, ривожланиши, соғлиғи ҳолатини, айниқса, улар мактабга қадам қўйганларида алоҳида ёндашув ва эътиборни талаб қилишлари борасида илмий мулоҳазалар билдирилган.

Бобнинг учинчи параграфи **“Бошланғич синфларда чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатишнинг мавжуд аҳволи”** деб номланади. Мазкур параграфда

бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишнинг методик асосларини аниқлаш учун тажриба-синов ишлари олиб борилган Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги 19-, 34-, 35-, Шофиркон туманидаги 1-, 52-, Пешкў туманидаги 11-, Ромитан туманидаги 41-, Навоий вилояти Нурота туманидаги 6-, 19-, Навоий шаҳридаги 8-, 19-, Кармана туманидаги 2-, 5-, Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 31-, 30-, 9- умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатишнинг мавжуд аҳволини ўрганиш натижалари ўз аксини топган.

Ишда тажриба – синов таркибига кирган барча умумий ўрта таълим мактабларида аҳвол бир хил эканлиги таъкидланади. Миллий таълим дастурида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, вазиятга баҳо берилганда, кўпгина параметрлар техник стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Чапақай ўқувчилар одатда ўнг қўл билан ёзадиган ўқувчилар учун мўлжалланган партадан фойдаланади. Чунончи, бу ҳолат чапақай ўқувчиларда ноқулайлик келтириб чиқаради. Масалан, партанинг қиялиги ва чапақай ўқувчининг ўтирғичи, ёзув жараёни билан боғлиқ. Чапақай ўқувчиларда оралиқ масофани чамалаш ҳам бироз қайинчилик туғдиради.

Оралиқ масофа деб парта устининг пастки қирраси билан суянчиқ орасидаги масофага айтилади. Бу масофа, яъни кўкрак қафаси билан унинг қирраси орасидаги масофа 4 см бўлиши лозим. Айни пайтда кўпгина мактабларнинг бошланғич синфларида усти бир текис, ўтирғичи алоҳида, баландлиги ва тузилиши (темир ва тахта парталар, иш столлари) ҳар хил бўлган, оёқни кўйиш жойи бўлмаган парталардан фойдаланилмоқда. Бундай гигиеник ва педагогик талабларнинг кўпол равишда бузилиши таълим сифати ва самарадорлигига қуйидаги салбий омиллар таъсир кўрсатмоқда:

Парта қопқоғининг чети билан ўтирғичнинг орасидаги масофа дифференция дейилади. Биринчидан, парта ўтирғичи паст бўлса, ўқувчи парта қопқоғига осилиб туради, агар юқори бўлса, букчайиб ўтиришга мажбур бўлади. Шунинг учун ўтирғич баландлиги ўқувчиларнинг оёқлари узунлигига тенг бўлиб, ўтирганда товонлари полга ёки партанинг зинасига тегиб туриши лозим. Тажриба-синов олиб борилган умумий ўрта таълим мактабларининг 40% парталари юқоридаги талабга жавоб бермаслиги таъкидланади. Иккинчидан, чапақай ўқувчилар учун алоҳида бир кишилик партадан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Чапақай ўқувчиларга педагогик ёрдам бериш талаб даражасида эмас. Улар ўнақайлар учун қандай шароит яратилган бўлса, шундай шароитда ўқимоқдалар. Бунга биринчи навбатда бошланғич синф ўқитувчиларининг масъулиятсизлиги ҳамда чапақай ўқувчиларга педагогик ёрдам бериш борасида дастлабки тайёргарликка эга эмасликлари сабаб бўлмоқда.

Педагогик тажриба - синов учун танланган умумий ўрта таълим мактабларининг биронтаси чапақай ўқувчилар мослаштирилган ёзув қуроллари билан таъминланмаган. Ҳолбуки, бу иш билан мактаб маъмурияти шуғулланиши мумкин. Ёзув қуроллари сотадиган дўконлар билан шартнома тузилади ва улар чапақайлар учун махсус яратилган ёзув

қуроллари билан мактабни таъминлайди. Бу ёзув қуролларига ручкалар, ручкаларни тўғри ушлашга мослаштирилган мосламалар, дафтар, қалам чархлагичлар, қайчи, чизғичлар ва ҳоказолар киради.

**“Бошланғич синфларда чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобда чапақай ўқувчиларнинг мактабга мослашуви ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда чапақай ўқувчиларга методик ёрдамнинг мазмуни–моҳияти, йўллари, чапақай ўқувчиларга ёзув кўникмаларини ўргатиш, ёзув қуроллари билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш борасида фикр – мулоҳазалар юритилади.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи “Чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатиш жараёнининг шакл ва метод воситалари” деб номланади. Унда чапақай ўқувчиларнинг мактаб ва ўқув жараёнига мослашиш муаммолари борасида фикр юритилади.

"Мослашув" - бу турли хил билим соҳалари тадқиқотчилари томонидан кўриб чиқилган фанлараро тушунча. "Адаптация" атамаси латинча *adaptatio* - мослашиш сўзидан келиб чиққан. Эҳтимол, шунинг учун ҳам кўплаб муаллифлар уни таржима қилиш орқали аниқлайдилар. "Мослашиш" тушунчасининг мавжуд таърифларини таҳлил қилиш, уларни умумий хусусиятларига кўра гуруҳлаш, имконини беради: таржима орқали таъриф, бу асосан тавтология; мослашишни жараён, ходиса, натижа, белги (белгилар тизими) сифатида аниқлаш.


Ижтимоий мослашиш муаммоси кўплаб олимлар томонидан ўрганилган (Г.А. Балл; В.Б. Орлов; Э. Эриксон). Кенг талқин билан (Ж. Пиагет, Г. Балл) мослашиш қарама-қарши йўналтирилган жойлашиш ва ассимиляция жараёнларининг бирлиги сифатида тушунилади. Бундан ташқари, турар жой организм ёки субъект ишлашини атроф-муҳит хусусиятларига мос ҳолда ўзгартиришни таъминлайди, улар организм тузилиши ёки субъектнинг хулқ-атвор методига мувофиқ қайта ишланади. Аккомодация ва ассимиляция жараёнлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо муайян ҳолатларда улардан бири етакчи рол ўйнаши мумкин.

Ўқувчининг мактабга мослашувининг энг қийин даври дастлабки 6-8 ҳафталиги ҳисобланади. Баъзи тадқиқот ишларида таъкидлашча, деярли барча ўқувчилар, етакчи кўлларида қатъий назар, бу даврда моторли ҳаяжон ёки аксинча, сустлик, чарчоқ шикоят, иштаҳанинг пасайиши кузатилади. Ўқувчиларнинг таълимий фаолият билан шуғулланиши қийин, тезда чалғийдилар, кўпинча чарчоқ ва бош оғриғидан шикоят қиладилар.

Мослашувнинг биринчи босқичида чап қўл билан 1-синф ўқувчиси ёзиш, ўқиш ва ҳисоблашда ўзига хос қийинчиликларга дуч келмаслиги мумкин. Лекин у чарчаши мумкин. Бунда баъзи шикоятлар кузатилади. Гап нимада эканлигини аниқлаш керак. Эҳтимол, чарчоқ юкнинг тез суръати ёки ҳажми, мактаб ва уйда мантиқсиз ишлаб чиқилган тартиб туфайли юзага келаётган бўлиши мумкин.

“Чапақай ўқувчиларга бериладиган педагогик ёрдам ва ёзувга ўргатиш жараёнида фойдаланадиган технологиялар” номли иккинчи параграфда эса чапақай ўқувчиларнинг ёзувга ўргатиш жараёнида ташкил этилиши лозим

бўлган педагогик ёрдам турлари ҳамда чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатиш жараёнида фойдаланиладиган технологиялар борасида фикр – мулоҳазалар олға сурилган.



**1-расм. Бошланғич синф чапақай ўқувчиларини ёзувга ўргатишнинг методик механизмини такомиллаштириш модели.**

Кузатишларимиз натижасида 1-синф ўқувчилари педагогик ёрдамга муҳтож бўлган ёш хусусиятларига қараб, айниқса, чапақай ўқувчилар ёзувни ўрганиш жараёнида ёрдамга кўпроқ муҳтож бўлади. Чунки улар мактабда ўқишнинг биринчи йилида энг ҳимоясиз ва заиф бўлиб, уларнинг физиологик - психологик ва ҳиссий-психологик хусусиятлари, бир томондан; иккинчи томондан мактабнинг ўнг қўли билан ўқитишга йўналтирилганлиги.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, барча чапақай ўқувчилар

таълим фаолиятининг ҳамма соҳаларида қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Аммо уларнинг шаклланишида энг муҳим хусусият ёзиш қобилиятлари. Тренинг бошланганда тажриба ва назорат синфларининг ўқувчилари ёзма ҳарфларни тасвирлаш кўникмасига эга эмас, балки уларда фақат босма ҳарфларни ёзиш кўникмаси шаклланган эди.

Мактаблар тажрибасидан аёнки, ўқитувчиларнинг аксарияти чапақай ўқувчиларга педагогик ёрдам кўрсатишда айрим қийинчиликларга дуч келади. Шунинг учун чапақай ўқувчиларнинг ўзига хос хусусияти, физиологик, ҳиссий-психологик хусусиятлари ҳамда мактаб муҳитида ва ёзув жараёнида пайдо бўлган қийинчиликлар таълим олдида турган вазифаларни ижобий ҳал этишга монелик қилади.

Компьютер чапақай ўқувчининг мотивациясини кучайтиради. Компьютерда ишлаб туриб, чапақай ўқувчи топшириқнинг ечимини керакли ёрдамга таянган ҳолда охиригача етказиш имконига эга бўлади. Компьютер чапақай ўқувчиларда ўз фаолиятлари рефлексиясининг шаклланишига ёрдам беради.

Электрон интерфаол доскалар ўзининг катта имкониятлари билан кишини лол қолдиради. Чапақай ўқувчилар унда оддий бўр билан эмас, балки рангли “қаламчалар” билан ёзиб, ёзиш кўникма ва малакаларини шакллантириб олишлари мумкин. Бу ишда ҳеч қандай чегара йўқ. Чапақай ўқувчилар катта қизиқиш билан бу доскадан фойдаланадилар. Ўзларининг бор лаёқатларини бу доска, орқали намоён этишлари мумкин.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “Чапақай ўқувчиларга ёзув кўникмаларини шакллантириш” деб номланган. Унда чапақай ўқувчиларга ёзув кўникмаларини шакллантириш йўллари, чапақай ўқувчиларга ёзув қуроллари билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда чапақай ўқувчиларга коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш йўллари борасида илмий мулоҳазалар ўртага ташланади ва хулосалар чиқарилади.

Бола учун чапақайларга мослаштирилган ёзув қуроллари (қалам, ручка) олиш керак. Бундай ашёларни ишлаб чиқарувчилар чапақайларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ашёларни тайёрлайдилар. Масалан, чапақайларнинг ручкалари тез қурийдиган ранг билан тўлдирилади. Агар чапақайлар оддий ручка билан ёзсалар у тез булғанади. Чунки чапақайлар секин ёзадилар.

Чапақай ўқувчининг ёзув столида ўтириши ўнг қўл билан ёзадиган ўқувчилардан фарқ қилмайди. Тўғри ўтириш кўпгина муаммолардан қочишга ёрдам беради. Бунинг учун гавда тик ҳолда, партага суянган ҳолда бўлиши керак. Диққат билан ўқувчини кузатиб бориш, токи у партага суяниб, хусусан, кўкраги билан партага тегиб ўтирмаслиги лозим. Оёқлар полда суянган ҳолда туриши, дастлабки вақтда оёқ остида тахта қўйиш зарур. Агар оёқ полга етмаса осилиб қолиб, оғрий бошлайди. Бу эса муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Чапақайлар учун дафтарни парта устида тўғри қўйиш катта аҳамият касб этади. Дафтарни ўқувчи олдида қўйиш керак ва ўнг томонини салгина чапга буриши лозим. Шундагина чапақай унчалик қийналмасдан ёзади. Чапақай ўқувчига яна бир нарсани ўргатиш керак. Ёзиш

жараёнида дафтарни қўли билан аввал пастга, иккинчи бетга ўтиш жараёнида юқорига итариб бориши керак.

Чапақай ўқувчининг столи устидаги нарсаларнинг жойлашуви ўнг қўл билан ёзадиган ўқувчилардан фарқ қилади:

1. Ёруғлик манбаи, албатта ўнг, томонда бўлиши керак.

2. Дафтар ойна аксидай – тўғри ёки ўнг томонга қия ҳолатда бўлиши керак.

3. Қаторларини ёзув билан тўлдириб бориш жараёнида дафтар юқори томон силжитилади.

Синфхоналарда ёруғлик, асосан, чап томондан тушади. Бу ёзув жараёнида ўқувчиларга қулайлик туғдириб, ёзув жараёнини осонлаштиради. Чапақайлар учун бу ҳолат ноқулайлик туғдиради. Ёруғлик чапдан тушиши сабабли уларнинг қўллари ёруғликни тўсиб қўяди. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун чапақай ўқувчини партанинг чап томонида – дераза тарафида ўтирғизиш керак, холос.

Чапақай ўқувчини ёзувга ўргатишда ручка ушлаши катта аҳамият касб этади. Чапақай ручканинг учидан 3-4 см юқоридан ушлаб ёзиши керак. Ручкани иккита бармоқ билан – кўрсаткич ва катта бармоқ билан ушлаб, ўрта бармоқ ёстиқчасига қўйиш лозим. Ўнг қўл билан ёзадиган ўқувчилардан фарқли равишда чапақай ўқувчининг кўрсаткич бармоғи дафтар қаторини тўсмаслик учун рост туриши лозим. Тўғри ўтирганда, чапақай ўқувчилар столга кўкраги билан тегмасдан тўғри ўтиришлари керак. Оёқлари ерга ёки стендга қўйилган, боши ўнг томонга озгина эгилган бўлиши керак.

Синф столида чапақай ўқувчи ҳар доим ёнидагининг чап томонида ўтириши керак, шунда ёнидаги ўнг қўл билан ёзаётган ўқувчига ҳалал бермаслиги зарур.

Чап қўл билан ёзишнинг қуйидаги усуллари мавжуд.

1-усул - "ўнг қўл" позициясининг ойнали тасвири. Кўпинча у қулайроқ ва тўғри ёзиш техникаси бўйича ўқимаган ўқувчилар томонидан қўлланилади. Ушбу қўл ҳолати ўқув жараёнини жиддий равишда мураккаблаштиради, чунки дафтарлардаги барча нусхалар чап томонда жойлашган.

2-усул. Тутқичли чап қўл чизик устида жойлашган. Ушбу усул ўқувчини намуна бўйича ёки илгари ёзилган ҳолда бошқаришга имкон беради ва ёзишда хатолар сонини камайтиради. Айнан шундай ёзиш усули ўз-ўзидан ва кўпинча чап қўл ўқувчиларга келади.

3-усул. Тутқичли чап қўл чўткаси чизик остида. Бу ёзувнинг энг қулай усули. Чунки ўқувчи қўлини буриш керак эмас, намуна аниқ кўринади, олдин ёзилган булганган эмас. Бироқ шу тарзда ёзишда хатотлик "ўнг қўли" талаблари бузилади: ҳарфларда ўнг томонга бурилиш йўқ, аксинча, улар чап томонга бурилади. Аммо бу унчалик муҳим эмас. Кўплаб "ўнг қўллар" кўпинча чап томонга қараб ёзадилар. Энг асосийси, ўқувчига ўзи учун қулай ёзиш имкониятини бериш, беихтиёр хатолар эҳтимолини имкон қадар камайтириш.

Чапақай ўқувчига дафтар қаторида юриш қийин. У ёзишни қайси

томондан бошлашни дарҳол аниқлай олмайди, у йўналишни чалкаштиради. Бундай ҳолларда варақнинг чап томонини рангли қалам билан белгиланг.

Катталар ва тенгдошлар билан муносабатда зиддиятларнинг пайдо бўлиши чап қўл ўқувчилар учун кучли психотравматик омил бўлиб, мактабга мослашиш жараёнида кўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун чапақай ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчи ўз вақтида тенгдошлар гуруҳига ўқувчини уйғун киритилишини таъминлаши керак. Чап қўл ўқувчилар ўзларининг ҳиссий ва психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқаларнинг уларга бўлган муносабатига нисбатан салбий муносабатда бўлишади ва ўзларининг кадр-қимматини бошқа ўқувчилар томонидан берилган баҳолаш таъсирида ўзгартириш мумкин. Шу билан бирга, синфдошлар мулоқотда намоён бўладиган синфдан ташқари хусусият ва фазилятларни ҳисобга оладилар.

Мазкур бобнинг тўртинчи параграфи “Чапақай ўқувчиларга ёзув қуроллари билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш методикаси” деб номланади. Ёзишни ўргатиш усуллари ва уни ташкил этиш методикаси, асосан, ўнақай ўқувчилар учун мўлжалланган. Шунинг учун ота-оналар ва ўқитувчилар чапақай ўқувчилар билан ишлашни тўғри ташкил қилишда кўп қийинчиликларга дуч келишади. Бу нарса ёзув пайтида дафтарнинг ҳолати, ҳарфларнинг қияликларини кузатиш зарурати, ёзишда иш жойини тўғри ташкил этиш каби масалаларга тааллуқли.

Чапақай ўқувчиларда ёзув қуроллари билан ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш катта аҳамиятга эга. Агар бу иш муваффақиятли амалга оширилса, чапақай ўқувчилар ўқув жараёнига – ёзувни ўрганишга тайёр бўлишади.

Чапақай ўқувчилар учун дафтарни тўғри тутиш ва ручка ушлаш малакалари муайян даражада шакллангандан кейин ёзувга ўргатиш дарслари бошланади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бошланғич синф чапақай ўқувчиларни ёзувга ўргатиш самарадорлигини ошириш ва тажриба синов ишлари ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланади. Бунда бошланғич таълимда чапақай ўқувчиларга методик ёрдам кўрсатишнинг шарт-шароитлари, тажриба-синовни ташкил этиш, педагогик тажриба-синов юзасидан олиб борилган натижалар баён қилинган.

